Ушбу сонда:

2 *Иснод* ОБРЎНИ БЕРИБ ҚЎЛДАН бехуда сафо қилма

3 ПАХТАБАНК — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

4 «МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ» кашфиётлар турнирига айланиб бормоқда

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 3 март, шанба №35 (1049)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА АКЦИЯЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Темир йўл транспортининг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, тармоқни монополиядан чиқариш ҳамда унинг корхоналари ва ташкилотларини акциялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш асосида транспорт коммуникацияларини ривожлантиришни, ҳаракатдаги составни техника билан қайта жиҳозлашни таъминлаш, республика аҳолисига, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига темир йўл транспорти хизмати кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар темир йўл транспорти соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳисоблансин:

монополиядан чиқариш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш ва темир йўл транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш;

йўловчилар ташиш, ҳаракатдаги составни, рефрижератор ва контейнер хўжалигини таъмирлаш корхоналарини босқичма-босқич акциялаштириш;

ижтимоий инфратузилма, юк ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш объектларини, таъмирлашқурилиш, савдо ва таъминот ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни жадаллаштириш, улар негизида мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар, шу жумладан, хусусий корхоналар ташкил этиш;

бошқарув тизимига ва ташиш жараёни қатнашчилари ўртасидаги хўжалик алоқаларига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш;

темир йўл комплексини реконструкция қилиш, янгилаш ва замонавийлаштиришга чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш;

мамлакат иқтисодиётининг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашда темир йўл транспортининг аҳамиятини кучайтириш, темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 октябрдаги 401-сон қарори билан тузилган Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларини монополиядан ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда акциялаштириш масалалари бўйича махсус комиссиянинг:

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини очиқ акциядорлик жамиятига айлантириш;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг юк ва йўловчилар ташиш бўйича ҳудудий дирекциялари ҳамда Оролбўйи бўлими негизида функционал таркибий бўлинмалар ва корхоналар ташкил этиш;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш, йўловчилар ва юк ташиш вагонлари, рефрижератор ва контейнер хўжалигини таъмирлаш корхоналарини босқичма-босқич очиқ акциядорлик жамиятларига айлантириш;

юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ижтимоий объектларни, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш корхоналарини давлат тасарруфидан ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини тизимидан чиқариш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, юк ва йўловчилар ташувчи, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, шунингдек юк жўнатувчилар ва йўловчиларга транспорт-экспедиторлик ва сервис хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар:

(Давоми 2-бетда).

XXI асрнинг биринчи баҳори. Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Охунбобоев туманидаги 11-умутаълим мактаби ўқувчи ёшлари Наврўз байрами арафасида ўзига хос совға олди. Японияниинг Ўзбекистондаги элчихонасининг ёрдами билан умумий қиймати 39 минг 365 АҚШ долларига тенг замонавий мактаб парталари, стол-стуллар, доскалар, компьютер, принтер, видеомагнитафон, нусха кўчириш

НАВРЎЗ СОВҒАСИ

аппаратлари ва спорт анжомлари келтирилди.

- Япония гранти асосида яна Олтиариқ, Бешариқ, Фурқат, Бувайда туманларидаги 5 та умумтаълим мактабларига ўқув-техника воситалари олиб берилади, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Муҳаммаджон Хўжаев. - Унга кўра вилоятимиз мактабларининг ўқувчи ёшлари учун жами 167 минг долларлик замонавий ўқув ва спорт жиҳозлари келтирилади.

(ЎзА).

ҲИССАДОРЛАРГА ХАЛҚАРО ОЛТИН МЕДАЛ

Qoraqalpog'iston

Қорақалпоғистон Республикасидаги пахта тозалаш билан шуғулланувчи саккизта ҳиссадорлик жамиятининг маҳсулотлари хориждаги буюртмачилар томонидан эътироф этилмоқда. Шунинг учун ҳам Беруний, Бўстон, Халқобод, Қўнғирот пахта тозалаш корхоналари сифат учун таъсис этилган халқаро олтин медалларни олишга муваффақ бўлди. Жорий йилдан эса улар сафига Амударё туманидаги «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти ҳам қўшилди.

Куни кеча «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти номига узоқ Мадриддан-Сифат ва технология бўйича халқаро қўмита директори Хосе Приото жанобларидан хушхабар битилган мактуб келди. Унда мазкур корхонанинг ўтган йилги ишлаб чиқариш натижалари ва фақат юқори сифатли пахта толаси етказиб бераётгани тан олиниб, «Европа-АРКИ»нинг халқаро олтин медалига сазовор бўлганлиги айтилганди. Юксак мукофот эса шу йил 5 мартда Франкфурт шаҳрида тантанали равишда топширилиши маълум қилинган.

Дарҳақиқат, «Юлдуз»чилар ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаб, янги асрга дадил қадам қўйишди. Германия, Италия, Швейцария сингари энг ривожланган мамлакатларга шартномада кўрсатилган хом ашё етказиб бериш мажбуриятини тўла бажарди. Пахта толаси фақат юқори сифатларга баҳоланиб, буюртмачилардан бирор марта ҳам эътирознома олинмади.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

КАТТА СИНОВ

Jizzax

Жиззах вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси тармоқ фаолларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, касаба уюшма иши назарияси ва амалиётини чуқур ўрганишни ташкил этиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида доимий ўқув-семинари ташкил этди.

Ўқув-семинар режаси асосида дастлабки машғулотлар Жиззах шаҳар ҳамда Жиззах, Ғаллаорол туманларида бўлиб ўтди. Машғулотларда бошланғич касаба уюшма қўмита раислари, йирик хўжалик ва ташкилотларнинг ходимлар билан ишлаш бўлими мудирлари, техника хавфсизлиги муҳандислари иштирок этаяпти.

Тингловчилар олдида вилоят адлия, ижтимоий таъминот, солиқ бошқармаларининг малакали ходимлари томонидан маърузалар қилинаяпти.

Ғаллаоролда бўлиб ўтган мазкур семинарда вилоят адлия бошқармаси бўлим мудири Қ.Холмуродов, касаба уюшмалари вилоят кенгаши бош меҳнат ҳуқуқ нозири Ш.Тожибоевларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, меҳнат қонунчилиги борасидаги чиқишлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Маърузалар юзасидан савол-жаволар бўлиб ўтди.

— Бу йилги ўқув-семинарида солиқдаги ўзгаришлар, нафақага чиқиш тўғрисидаги мавзуларга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз, — дейди вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташкилий ишлар бўлим мудири Омон Бурхонов. — Бу бошланғич ташкилотларда ишларнинг яхшиланишига кўмак бериши тайин.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

Жорий йилнинг 8 январида таҳририятимизга шикоят хати билан мурожаат этган чинозлик Зулхумор Ортиқова турмуш ўртоғи Ҳамидулла Ортиқовнинг корхона раҳбарлари айби билан бир неча ойдан бери қонуний иш ҳақини ололмаётгани, устига-устак мажбурий бекор юрган вақти учун ҳам тегишли ҳисоб-китоб қилинмаётгани тўғрисида маълум қилган эди.

Мазкур ариза юзасидан текшириш ўтказган ташкилотдан қуйидагича жавоб олинди:

— Ҳақиқатан ҳам «Гидромеханизация» қурилиш бошқармасида ёнилғи таъминотчиси бўлиб ишлаган Х.Ортиқов ўтган йил 22 августида бўлим бошлиғининг рапортига асосланиб камомадга йўл қўйгани учун бўйруқ билан хизмат лавозимидан озод этилган, лекин мулкий жавобгар шахс бўлгани туфайли ишдан бўшатилмаган.

У корхона раҳбарияти томонидан камомадни жойига қўйиш ҳақида ёзма равишда огоҳлантирилган ҳамда ушбу масалага алоқадор ҳужжатлар туман прокуратурасига тақдим этилган. Ўз навбатида прокуратура томонидан бошқарма раҳбари М.Ёқубжонов номига юборилган тақдимномага биноан камчиликларга йўл қўйгани учун бош муҳандис С.Раимқулов, бош ҳисобчи С.Петрова ва кадрлар бўлими муҳандиси Е.Рогачёвалар фаолиятига тегишли баҳо берилди.

Жорий йилнинг 5 февралида Ҳ.Ортиқовга 25000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисобидан маош берилди. Мажбурий ишсиз юрган кунлари учун ҳақ тўланадиган бўлди.

Ў.АБДУРАҲИМОВ,
Чиноз тумани ҳокими.

БОШ МАВЗУ:

ТАРАҚҚИЁТ ЙИЛЛАРИ

Гарвард университетининг профессори, Марказий Осиёнинг сиёсий муаммолари бўйича таниқли америкалик мутахассислардан бири, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маслаҳатчиси Доналд Карлайл ўз тадқиқотларидан бирида шундай деб ёзган эди: **«Ўрта-Осиё бўйича ғарблик тадқиқотчилар, аввало, минтақада энг нуфузли мамлакат бўлмиш Ўзбекистонга ва унинг Президенти, Ўрта-Осиёдаги коммунистик тузумдан кейинги раҳбарлар орасида энг машҳури Ислом Каримовга эътиборни қаратишлари керак».**

Дарҳақиқат, хорижий тадқиқотчилар, машҳур сиёсатчилар ва жамоат арбобларининг Ўзбекистонга ва унинг раҳбари шахсига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон давлати ва унинг Йўлбошчиси тўғрисида хорижий мамлакатларда кўплаб тадқиқотлар яратилаётганлиги, сермазмун китоблар чоп этилаётганлиги бунинг ёрқин исботидир.



Ўзбекистонга бўлган жуда катта қизиқиш, шубҳасиз, аввало, унинг улкан иқтисодий имкониятлари, яъни иқтисодий жиҳатдан янги «Осиё йўлбарси»га айланиш истиқболлари, Марказий Осиёдаги сиёсий салмоғи, шу билан бирга мамлакатимиз нафақат Шарқ цивилизациясининг, балки жаҳон цивилизациясининг ҳам бешикларидан бири эканлиги ва бошқа омиллар билан боғликдир. 2000 йилда Москвада нашр этилган «Узбекская модель развития: мир и стабильность - основа прогресса» деб номланган янги китоб ҳам Ўзбекистон ва унинг Йўлбошчиси тўғрисида яратилган салмоқли тадқиқотлардан биридир. «Ўзбекистон» нашриёти ана шу китобни «Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик тараққиёт асоси» номи билан кўп минг нусхада ўзбек тилида чоп этди.

Таниқли публицистлар М.С.Гафарли ва А.Ч.Касаевнинг қаламига мансуб ушбу китобнинг аҳамияти шундаки, унда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли муфассал таҳлил қилинади. Дунё жамоатчилиги томонидан ривожланишнинг «ўзбек модели» деб тан олинган, янги Ўзбекистонни бунёд этиш борасида белгиланган улуғвор вазифалар, кенг кўламли дастурларни амалга ошириш тажрибаси ҳайратомуз мисоллар, қиёсий фактлар ва далиллар асосида ҳар тарафлама чуқур ва холисона ёритилган.

Муаллифлар Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга баҳо берар эканлар, биринчи навбатда Президент юритаёган сиёсатнинг туб моҳиятини таҳлил қиладилар. Уларнинг фикрича, Ислом Каримов мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссани аниқлаб олмасдан туриб, мазкур давлатнинг на иқтисодиётидаги, на сиёсатидаги аҳволни холисона баҳолаб бўлади.

«Агар Ислом Каримовнинг 10 йилдан ортиқ президентлик даври диққат билан таҳлил этилса,- деб таъкидлайди китоб муаллифлари,-уни муболағасиз ўз халқи учун бениҳоя кўп иш қилган, ҳозирги пайтда эса унинг буюк келажак йўлини оқилона очиб бераётган замонамизнинг энг ёрқин давлат арбобларидан бири дейиш мумкин. Чунки Ислом Каримовнинг, ҳатто энг ашаддий мухолифлари ҳам, айнан Президент тинчлик ва барқарорликка эришишни, Ўзбекистонда ончалик азобли бўлмаган ва дуруст натижалар берган бозор ислоҳотларини, 1996 йилда республикада бошланган барқарор иқтисодий ўсишни ва Ўзбекистоннинг давлат атрибутлари, мудофаа қобилияти мустаҳкамланишини таъминлаб берганлигини эътироф этмоқдалар».

(Давоми 2-бетда).

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

ЎН ЙИЛЛИККА ЎН ГЕКТАР БОҒ

Умумхалқ «Наврўз» байрамини муносиб кутиб олиш, юртимиз табиатини соғломлаштириш, мамлакатимиз чиройига-чирой қўшиш, аҳоли ўртасида табиат, она-Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш, баҳорги ободонлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор қашқадарёлик меҳнаткашларнинг ҳам куч-ғайратини ошириб юборди.

Вилоятнинг ҳамма туманларида «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш штаблари иш бошлади. Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Муборак, Касби туманлари аҳолиси ободонлаштириш ишларида фаоллик кўрсатмоқдалар. Кўпчилик меҳнат жамоалари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига 10 гектардан боғ яратишга киришдилар.

Чўл туманлари орасида Усмон Юсуповлик деҳқонлар, айниқса ташаббускорлик кўрсатиб ишламоқдалар. Хўжаликлар маркази ва маҳаллаларни ободонлаштириш, кўчат экиш, дарахтларга агротехник ишлов ва шакл бериш, йўлларни тартибга келтириш юмушларида 10 мингдан ортиқ киши иштирок этмоқда. Улар кучи билан ҳозирга қадар 60 километрлик сув йўллари равонлаштирилди. 50 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, 20 минг туп терак қаламчалари экилди.

Qashqadaryo

— Умумхалқ ҳашари воҳа бўйлаб кенг қулоч ёймоқда, — дейди биз билан суҳбатда касаба уюшмалари вилоят кенгаши раисининг ўринбосари С.Мирова. — Касаба уюшмалари «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Наврўз», «Меҳр-шавқат ва саломатлик» каби жамғармалар билан ҳамкорликда кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериш тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Наврўзолди хайрли ишлар Шаҳрисабздаги Болта Фозилов, Чироқчидаги «Кўкдала», Китобдаги «Паландара», Нишондаги Ибн Сино, Касбидаги Алишер Навоий номли, У.Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа хўжаликларида, Қарши, Муборак шаҳарларида уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҲАР МАКТАБНИНГ ЎЗ ДАРАХТЗОРИ БЎЛАДИ

Samarqand

Ҳукуматимизнинг Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ўқув юртларида ҳам кўтаринки руҳ билан кутиб олинмоқда.

— Биз кўчат ўтказиш билан бирга мавжуд ниҳолларни асраб қолишга ҳам катта эътибор қаратганмиз, — деди Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими мудири Абдумалик Мажидов. — Ҳар бир мактабнинг ўз боғи бўлсин, деган ташаббусни ўртага ташладик. Бироқ шаҳримиздаги ҳамма мактабларда ҳам боғ яратиш имкони йўқ. Бундай мактаблар шаҳримиздаги мавжуд боғларни оталиққа оладиган бўлди. Мавсумда шаҳримиздаги мактабларда таълим олаётган 74 минг нафар ўқувчининг ҳар бири уч тупдан кўчат ўтказади. Энди ўқувчилар ўзи эккан ниҳолларни мактабни тугатгунга қадар парвариш қилади. Ўқув юртини тугатаётганда эса уни биринчи синф ўқувчисига топширади. Ҳозир мактаблар атрофини, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Мактабларда фаолият кўрсатаётган «Ёш экологлар» тўгараги ишини янада жонлантирмоқчимиз. Улар шаҳримизнинг ноёб дарахтлари ва ўсимликлар дунёсини сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, «Кимёгарлар қўрғони»да экологик вазиятни соғломлаштириш мақсадида кўплаб кўчатлар ўтказилди. Университет хиёбонидаги ноёб дарахтларни асраб қолиш борасида ҳам тўғарак аъзолари бош қотиришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА АКЦИЯЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

давлат тасарруфидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади, шу жумладан хусусий мулк сифатида сотилади, шунингдек турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилиши мумкин;

кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва қийматини пасайтириш мақсадида ўз фаолиятини рақобат асосида амалга оширади.

4. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатиладиган транспорт хизматлари сифатини ошириш;

вокзалларда ва поездларда йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш, бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар, шу жумладан хусусий корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш;

темир йўлларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг тармоқларини янада ривожлантириш ва уларнинг поездлар ўтказиш қобилиятини ошириш, ягона техника сиёсати асосида илғор технологияларни, менежментнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш;

чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ва темир йўл транспорти ҳамда халқаро юк ва йўловчилар ташиш соҳасида халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

5. Поездлар ҳаракати хавфсизлиги бўйича бош тафтишчи аппарати «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси таркибидан чиқарилсин ва унинг негизида мустақил Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавтемирйўлназорат») ташкил этилсин.

Белгиланснки, «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

6. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

темир йўллардан техник фойдаланиш, юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигига, шунингдек юк ва йўловчилар ташишда кўрсатиладиган хизматларга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

юк ва йўловчиларни темир йўлларда ташиш хавфсизлигига қаратилган профилактика чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва лицензиялашни ташкил этиш;

лойиҳаларни экспертиза қилишда ҳамда темир йўл транспортининг янгидан қурилган ёки реконструкция қилинган объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш ишларида ушбу объектларда поездларнинг хавфсиз ҳаракат қилишини таъминлаш юзасидан қатнашиш;

темир йўлларда юк ва йўловчиларни хавфсиз ташиш бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида» 1994 йил 7 ноябрдаги ПФ-982-сон Фармонининг 2- ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ўн кун муддатда қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2001 йил 2 март

БОШ МАВЗУ:
ТАРАҚҚИЁТ ЙИЛЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Китоб муаллифлари «айнан Ислом Каримов аввал Фарғона, сўнгра эса Ўш фожиаларининг чигал тугунини ечишга муваффақ бўлганлигини» алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтар эканлар, уни «эътиқодли байналмилалчи ва айни пайтда узоқни кўра биладиган сиёсатчи», деб таърифлайдилар. Ўзбекистонда демократия тамойилларининг нечоғлик оқилона амалга оширилаётганлиги ҳам, аввало, давлат бошлиғининг доно сиёсати ва қатъияти билан боғлиқ эканлигига, бундай сиёсатнинг таъсирчанлиги эса қудратли армиянинг кучига ва битмас-туганмас бойликларга қиёсланишини жаҳон тажрибаси кўрсатаётганлигига эътиборни қаратадилар. Дарҳақиқат, «давлат бошлиғи оқилона сиёсат юритганда мамлакатнинг бойлигига бойлик қўшиш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, уни обрўэътиборли давлатга айлантириш мумкин».

Китобда қаламга олинган ўта муҳим мавзулардан бири Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликдир. Қолаверса, унда ижтимоий-сиёсий барқарорлик давлат ва жамиятни сиёсий ислоҳ қилишнинг асоси, айнан барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик жамиятни ислоҳ қилиш ва собитқадам иқтисодий ривожланишнинг кафолатидир, дея таърифланади. Айни чоғда Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарорлик ва жўғрофий-сиёсий мувозанатни сақлаб қолиш, халқаро терроризм ва диний ақидапарастликка қарши биргаликда курашишга, шунингдек, глобал экологик муаммоларни ҳам узвий ҳамкорликда, елкама-елка туриб ҳал қилишга қаратилган маълум ва машҳур ташаббуслари асло инкор этиб бўлмайдиган сиёсий далиллар, ёрқин мисоллар асосида таҳлил қилинганлиги, шубҳасиз, ўқувчида катта таассурот қолдиради.

Китоб муаллифлари Ўзбекистонда динга бўлган муносабат хусусида ҳам атрофлича тўхталганлар. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг динга бўлган муносабатини етарли даражада аниқ ифодалаб берган асарлари, маърузалари, фармон ва фармойишларининг моҳияти таҳлил қилинади. Ўзбекистонда виждон эркинлигини амалга ошириш борасидаги хайрли тадбирлар таърифланади. «Дин диний ишлар билан, давлат эса - давлат ишлари билан машғул бўлиши керак», деган муҳим тамойилнинг нечоғлик тўғри амалга оширилаётганлигига оид кўплаб характерли мисоллар келтирилади, шу билан бирга диннинг халқларни эътиқод ва эзгулик асосида бирлаштиришдан иборат вазифасини адо этиш йўлидаги мавжуд муаммолар ҳам ёритилади.

«Ўзбекистон кўп миллатлилик ва кўп динлилик шароитида миллатлараро ҳурмат ва тотувлик руҳи билан доим ажралиб турган»,- деб таъкидланади китобда. - Ўзбек заминида истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакиллари бир-бирини ўзаро тушунишга ва тотувликка интилаётгани республикадаги барқарорликнинг ўзига хос белгисидир.

Дарҳақиқат, миллатлараро ва динлараро тотувлик жамиятнинг ўзўзидан юзага келувчи ҳолати бўлмай, Ўзбекистон давлатининг миллий сиёсати натижасидир. Табиийки, бу сиёсатни рўёбга чиқаришда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти муҳим рол ўйнайди. Республиканинг ривожланиши давлат нафақат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда, балки турли миллатлар ва динлар ўртасида дўстона муносабатларни таъкидлашда ҳам етакчи ислоҳотчи бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Китобда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, Ислом Каримов иқтисодиётда: «Давлат - бош ислоҳотчи» деган қатъий қоидага амал қилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг саноат соҳасидаги сиёсати «ўзбек модели»нинг энг муҳим тамойиллари асосида амалга оширилди. Ҳозирги вақтга келиб мамлакатда қулай макроиқтисодий иқлим вужудга келтирилди. Республика ўз модели асосида иқтисодий ислоҳотлар йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб илгарилаб бораётгани туфайли макроиқтисодий ва молиявий вазиятни барқарорлаштиришга ҳамда МДҲ мамлакатлари орасида иқтисодиётнинг энг кам даражада пасайишига эриша олди. Шунинг учун ҳам кўпгина экспертлар Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатини чамалаб, республика иқтисодий ўсишнинг суръатларини давом эттириб, минтақада саноати тараққий этган бақувват давлатга айланиши мумкинлигини башорат қилмоқдалар. Уларнинг баъзилари ҳатто яқин келажакда Ўзбекистон «Осиёдаги янги иқтисодий йўлбарс» бўлиб қолиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинган ушбу китобда зикр этилган кўплаб қимматли маълумотлар, иқтисодий кўрсаткичлар, қиёсий-таҳлилий далиллар ва умумлашмалар, шубҳасиз, кишида бу эзгу башоратларнинг ҳақиқатга айланишига, мамлакатимизнинг келажаги чиндан ҳам буюк эканлигига қатъий ишонч уйғотади.

(ЎзА).

Андижон кўчаларида автомобиллар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларнинг кўпчилигини «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган машиналар ташкил қилади. Вилоятдаги автомобилларга хизмат кўрсатиш устахоналари сони ҳам ортмоқда.

«ЭСПЕРО» - ҲАЙДОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Тадбиркор Солижон Ўлмасов ташкил этган «Эсперо» сервис хизмати кўрсатиш кичик станцияси тезда ҳайдовчилар эътиборини қозонди. Тадбиркор «Автотеххизмат» акционерлик жамиятида ишлаб, тажриба орттирган, Жанубий Кореяда стажировкада бўлиб қайтган. С.Ўлмасов шаҳарнинг аҳоли зич жойлашган туманидан 290 квадрат метр ер майдони сотиб олди ва бу ерда қисқа вақт ичида станция барпо қилди. Бу ерда бир йўла тўртта автомобилга хизмат кўрсатилади. Замонавий ускуналар, хусусан, Германиянинг «Хофман» фирмасининг лазерли компьютер тизими ёрдамида машинанинг ҳаракатлантирувчи қисмлари, электр асбоблари таъмирланиб, турли носозликлар бартараф этилади. Автомобил эгалари 10 нафар малакали мутахассис кўрсатаётган автосервис хизматидан мамнун.

(ЎзА)

«Мева-шарбат» боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорациясининг тажриба хўжаликлари бу йил 2 миллион 966 минг дона мевали, 100 минг дона манзарали, 1 миллион 900 минг дона узум, 5 минг дона терак кўчатларини тайёрлаб, республикамиз ташкилотлари ҳамда ширкат, фермер хўжаликларига етказиб беришади.

Суратда: корпорация бош мутахассиси Фарҳод Раҳимов ишчилар билан кўчатлар сифатини кўздан кечирмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МЕҲНАТ БОЗОРИ ЯРМАРКАСИ

Пешку туманида меҳнат бозори ўтказилди. Натижада 7 киши «Пешкупахтатозалаш» акционерлик жамиятида, 31 киши эса турли корхона ва ташкилотларда меҳнат қиладиган бўлди.

«Бухоротекс» акционерлик жамиятида ишлашни орзу қилган 30 дан зиёд йигит-қиз ҳам ниятига етди. Шунингдек, санацияга тушган «Янгиобод» жамоа хўжалиги билан туман меҳнат бўлими ўртасида тузилган шартномага асосан 10 нафар қиз-жувон тикувчилик касбини ўрганиш учун ўқишга юборилади. Қизил ярим ой жамиятининг туман бўлими эса тўрт нафар ҳамширани кекса, ёлғиз ногиронлар аҳволидан хабар олиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этди.

Маҳалла ибрати

Мирзо Улуғбек туманидаги Шукур Бурхонов номли маҳалла мутасаддилари йил бошидан буён 60 нафар кишини иш билан таъминладилар. Маҳаллада ўтказилган меҳнат идоралари, маҳалла фаоллари ва оқсоқолларининг биргаликдаги ишлари, йўналишлари ҳамда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинарда бу ҳақда гапирилди.

ОЛТМИШ КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

— Ушбу натижаларга меҳнат идоралари ходимлари, ҳамда фаолларимиз билан ҳамкорликда ишлаганлигимиз туфайли эришдик, — деди мазкур маҳалла оқсоқоли Шуҳрат Жўраев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ўз-ўзини бошқариш муассасамизда биргина ўтган йилнинг ўзида 890 минг сўм маблағ аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишга сарфлаган. Лекин бу борада қанча кўп маблағ сарфланмасин ижтимоий-иқтисодий мухитни тубдан ўзгартириш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам республикамизда аҳолини ўз меҳнатлари орқали ижтимоий муҳофаза қилиш йўлга қўйилмоқда.

Оқсоқолнинг таъкидлашича, Шукур Бурхонов маҳалласида бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Маҳалла идораси қошида нонвойхона ва тикувчилик цехи очилди. Нонвойхона маҳалла аҳлини бозор нархидан бир мунча арзон ва сифатли нон билан таъминламоқда. Тикувчилик цехи эса уй бекаларини ҳам иш билан таъминлашга имкон яратди. Лекин ишлар шу билан тўхтаб қолмаслиги керак. Шу мақсадда семинар иштирокчиларига ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги Низом ҳақида маълумотлар берилди. Юридик ва жисмоний шахсларнинг банклардан қарз олиш шарт-шароитлари тушунтирилди.

Бизнинг халқни бошқа халқлардан алоҳида ажратиб турган хислат ва фазилатлар бор. Биз уларни уятчанлик, орият, андиша деймиз. Бу нарсалар танимизга она сути билан кирган. Яна шуниси борки, тарихимизда уятдан, ориятдан кўра ўлимни афзал кўрган ҳоллар кўплаб учрайди.

Иснод

ОБРЎНИ БЕРИБ ҚЎЛДАН
беҳуда сафо қилма

Лекин, минг афсуски, кейинги пайтларда ана ўша муқаддас, мўътабар нарсалар ҳам катта бозорга олиб чиқилаётганлиги фактларига дуч келиб қолаётирмиз.

Яқинда пойтахтимиз туманларидан бирида кўнгилсиз воқеа юз берди. 42 ёшли аёл ўз хонадонида қўлбола «меҳмонхона» очиб олган экан. Лекин бу «меҳмонхона» ўзга вилоятлардан Тошкентга бирон-бир иш билан келиб, ётоққа зор бўлганларга эмас, балки айш-ишрат кетидан қувган кимсаларга яхшигина чой-чақа ҳисобига топшириб қўйилибди. Оқибатда бу ерда оғир жиноят юз берган. Пировардида уй эгаси, тўрт фарзанднинг онаси маълум муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Худди шу каби воқеа Самарқанд вилоятида ҳам юз берди. Бу нарса жамоатчи мухбиримиз Р.Турсуновнинг таҳририятимизга йўллаган хабарида тўлалигича ўз аксини топган.

...Деҳқон йигит Абдурашид эндигина 24 баҳорни қаршилаган эди. Ёш хотини ва бир фарзанди бор эди унинг. Ўтган йилнинг 10 август куни ҳамёнига 90 минг сўмни солганича Қўшработ бозоридан сигир сотиб олиш мақсадида уйидан чиқиб кетади. Лекин бозорга етиб келолмайди. Йигитнинг «Оқ тепа» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Истиқбол қишлоғида Гулнора Эргашева деган таниши бўларди. Абдурашид ана шу аёл хонадонига узоқ-яқиндан нозанинлар қадам ранжида қилиб туришларини яхши биларди.

Хуллас, йигитни ўша кеч оёқлари мазкур ҳовлига етаклаб келди. Унинг кўнгли алдамаганди. Тез орада бу хонадонда бир неча нотаниш эркак ва аёллар пайдо бўлиб қолишди. Дастурхон турли-туман таом ва ичимликларга тўлиб-тошди. Ўйин-кулги, ҳазил-ҳузул авжига чиқди. Аёллар ва ичкилик бўлган жойда эса, табиийки, рашк, жанжал-тўпалон бўлмай қолмайди. Қишлоқнинг содда йигити Абдурашид сиси, 1-уйнинг 15-хонадонида истиқомат қилувчи 48 ёшли Надежда Проценкодан қўни-қўшнилари ҳазар қила бошладилар. Ҳа, кейинги пайтларда унинг хонадонидан ярим кечаси ҳам, тонготарда ҳам юриштуриши шубҳали турли-туман шахсларнинг оёғи узилмай қолди. Кўп ўтмай Проценко очиқдан-очиқ қўшмачилик билан шуғулланаётгани маълум бўлди. У суюқоёқ жазманлар ва уларнинг «маҳбуба»ларига бир шиша ароқ ва икки шиша вино эвазига ўз хонадонидан жой берарканг...

Қарангки, қўшмачиликни Нишон тумани газлаштириш идорасининг пайвандчиси Анатолий Загребленников ҳам одат қилиб олибди. У ўз уйида бир кечага қўним топаётган «севишганлар»нинг ҳар биридан 600 сўмдан ҳақ оларкан... Унинг бу ярамас иши умуман инсонийлик шаънига доғ бўлиб тушишини Анатолий негадир ўйлаб ҳам кўрмабди.

Юқоридаги беандиша ишларнинг жиноий жиҳатлари билан ҳуқуқ-тартибот органлари шуғулланаётирлар, албатта. Биз эса масаланинг бошқа, яъни маънавий-ахлоқий жиҳатларига эътиборни қаратмоқчимиз.

Маълумки, ҳеч бир инсон алоҳида бир қўрғонга беркиниб, яшириниб яшамайди. Унинг ҳаёти бошқаларнинг кўз ўнгида кечади, маҳалла-кўй, қўни-қўшни деганларидек... Ҳар бир кишининг босган қадамидан бошқалар, ён-веридагилар воқиф бўлмай қолмайдилар, албатта. Қўшработ туманидаги «Оқтепа» жамоа хўжалигининг «Истиқбол» қишлоғи аҳолиси, айниқса, маҳалла аҳлининг Гулнора Эргашева хонадонида бўлиб ўтаётган хуфёна ишлардан хабарлари бўлмаганига жуда-жуда ишониш қийин. Худди шунингдек, Қарши шаҳридаги Ойбек кўчасида истиқомат қилувчи фуқаролар ўз маҳалладошлари Проценконинг, Нишон туман газлаштириш идораси ходимлари эса жамоа аъзоси Загребленниковнинг беандиша турмушига панжа орасидан қараб келганлар деб айтишимиз учун тўла асос бор. Бу маҳаллаларнинг нуфузли оқсоқоллари «Нима қилаяпсизлар, беҳаёлар...» деб овоз берганларида, ишончимиз комилки, юқоридаги ахлоқсизликларга ўз вақтида чек қўйилган бўларди.

Ўрта аср таниқли француз ёзувчиси Жан Лабрюйер ўз вақтида шундай деган эди: «Ҳаёсини йўқотган одам ҳар қандай пасткашликка ҳам рози бўлиши мумкин». Мазкур сўзлар, табиийки, мақоламиз қаҳрамонларига ҳам тааллуқлидир. Лекин бу — масаланинг ахлоқий томони, холос. Бироқ унинг жиноий томони ҳам бор: Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида 131-модда мавжуд бўлиб, унда қўшмачилик учун 3 йил, баъзи ҳолларда эса 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган...

Қодиржон СОБИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ "ПАХТАБАНК"И



Азиз ва муҳтарама оналаримиз, опа-сингилларимизни яқинлашиб келаётган 8 Март баҳор байрами билан ғин қалбдан муборакбод этади.

«Оналар ва болалар йили»да хонадонингиздан қут-барака аримасин!

Жондан азиз Ватанимиз — ҳур Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин!



Улуғ ва мўътабар ишларингизда яратганнинг ўзи ҳамиша мададкор бўлсин!



ПАХТАБАНК — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Маънавият сарчашмалари

ИЙМОН

Иймон ўзи нима? Қандай одамни иймонли дейиш мумкин. Унинг иймонли эканини далиллаш учун қандай ҳужжат келтирилади? Аксинча бўлса-чи? Қуйида ҳукмингизга ҳавола этмоқчи бўлганимиз ҳаётий воқеа ана шу хусусда.

Янги ҳовлига кўчиб келган кезларимиз эди. Эрталаб туриб қарасам, бир одам чорбоғимиз этагидаги йўлакдан ўтаётиб, йўлдаги тошларни, тиканак ва чўпларни териб юрибди. Бир фурсат ҳайрат кўзи билан кузатиб турдим. Аммо ҳеч нимани тушунолмадим...

Бу ҳол ҳар куни такрорланавергач, ён қўшнимдан сўрадим: «У одам ким ўзи? Нега бундай қилади?» Қўшнимнинг жавоби эса мени баттар ажаблантирди: «Раҳим ака (қўшнимизнинг исми шундай экан) қариганда кўп ичадиган бўлиб қолган. Хотинининг қазо қилганига ҳам анча бўлди. Ҳозир ёлғиз ўзи туради. Ёлғизликданми ё хотинига куйибми, эрталабдан кечгача ичади. Маст ҳолда уйга келаётиб қоқилмай деб йўлдан тошларни териб юради», деб кулди қўшним.

Аммо дилимнинг бир четида ўрмалай бошлаган шубҳа менга узоқ вақт ором бермади. Наҳотки, Раҳим ака йўлдаги майда тошчалар, хору хасларни ўзининг қоқилишини ўйлаб олиб ташласа?!

Пайғамбар ёшини алдаб ортда қолдириб кетган бу одамнинг қўлида ўзидан ҳам катта супурги, азонлаб тор кўчадан катта йўл бошигача супуриши, катта йўлдаги ҳар бир тошча-ю хасчўпларни олиб йўл четига ташлашини бир неча бор кўрганимдан кейин бу нарса асло хаёлимдан кетмай қолди. Наҳотки, ён қўшним ҳақ бўлса?! Йўқса, нега Раҳим ака кундалик юмушга айлантириб олган бу ишини канда қилмайди?

Кунларнинг бирида анча қадрдон бўлиб қолган арабшунос дўстимга шу ҳақда гапирган эдим, у индамай қўлимга бир китоб тутқазди. Бу машҳур муҳаддис Имом Исмоил Ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» китоби экан. Ички ташналик билан ўқирканман, нигоҳим бир ҳадис устида беихтиёр узоқ туриб қолди.

Ҳадисда шундай дейилган экан: «Иймон олтмиш неча (иккинчи ривоятда: етмиш неча) бўлак, шохчалардан иборат бўлиб, уларнинг энг афзали «Ло илаҳа иллоллоҳ» калимаси бўлиб, энг ақллиси одамларга озор берадиган нарсаларни йўлдан четга чиқариб ташлашдир».

...Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бахтсиз тасодиф туфайли Раҳим ака бу фоний дунёни тарк этди. Кимсасиз, ёлғиз яшаган чолнинг таъзиясига тумонат одам йиғилди. Эшик олдида ўтирган у тенги чоллардан бирининг гапи қулоғимга чалинди: «Раҳматли ғирт саводсиз эди. Умрида биронта ҳам китоб хатм қилмаган. Ҳатто нафақа олаётганда имзо қўя олмасдан чизиқ тортиб қўярди. Аммо, лекин иймонли эди»...

Юзидан нур ёғилиб турган отахоннинг пурмаъно гаплари қачонлардир дилимга ўрнашиб қолган шубҳа-ю гумонларни тумандек тарқатиб юборди. Назаримда, ўзимни қийнаган саволларга жавоб топгандек бўлдим.

Оятулло РАҚИБОВ.

«МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ»

кашфиётлар турнирига айланиб бормоқда

Пойтахтимизнинг муҳташам «Юнусобод» спорт мажмуида эркин ва юнон-рум курашлари бўйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири бошланди.

Истиқлолнинг ўнинчи баҳорида бешинчи маротаба ўтказилаётган ушбу Гран-при туркумидаги нуфузли мусобақада иштирок этиш учун Германия, Япония, Россия, Грузия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Қозоғистон, Арманистон каби мамлакатлардан ўнлаб таниқли спортчилар ташриф буюришган. Шунингдек, турнирда машҳур курашчилар — Александр Карелин, Рустам Казаков, Александр Медвед, Элдар Куртанидзелар фахрий меҳмон сифатида қатнашмоқда.

Айтиш мумкинки, йилдан-йилга нуфузи, обрўйи ошиб бораётган «Мустақиллик кубоги» юртимиз курашчилари учун бугун ҳақиқий синов майдонига айланди. Зеро, Артур Таймазов, Рамил Исломов, Адҳам Очилов, Руслан Хинчагов, Дилшод Орипов, Руслан Биктяков, Юрий Витт, Баҳодир Қурбонов каби эркин ва юнон-рум кураш усталаримизнинг қитъа, жаҳон, олимпиада мусобақаларидаги муваффақиятларида турнирнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу маънода, бу галги беллашувлар ҳам ўнлаб истеъдодларни кашф этишига шубҳа йўқ.

Илҳом

СЕН БАҲОРИМ — СУЛУВ КЕЛИНЧАК

Соғинганим сенсан, баҳорим,
Поёндоз ёз саҳрога, чўлга.
Баҳор куйин келтириб наҳор,
Қучоғимни тўлдиргин гулга.
Севги солиб,
Ошиқ қалбларга,
Кўзларимда оташ бўлиб ён.
Табассум бўл унинг лабида,
Кулгуларга чўмсин бу жаҳон.
Сен баҳорим,
сулув келинчак,
Борлиқларга қулочингни оч.
Анбар хидин таратиб чечак,
Ўрик гулин бошларимдан соч.
Тушларини айтсин сойларга,
Сочларини ёйган мажнунтол.
Сен баҳорим,
сулув келинчак,
Шундай бўлиб мангуликка қол.

Карим ШОДИҚУЛОВ,
Жиззах тумани.



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ҲИКМАТ

Илмли бўлиш бир баланд тоққа чиқиш каби кўп машаққатлидир, лекин ундан тушиш осондир, жоҳиллигу нодонлик булоғи чуқур чашма мисоли бўлса-да, бироқ у кўп қийинчилигу азобларга гирифтор қилади.

ЮРАГИМГА МАЛҲАМ ОДАМЛАР

Ўша куни тонг отиши қийин бўлди... Бундай онлар унинг ҳаётида тез-тез бўлиб туради. Бриси, юраги хаста беморлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳаётга қайтариш учун аввало бўлим раҳбари сифатида масъул. Нозик касаллар кўпайганида шифокор ҳаловати йўқолади. Мақсадга эришиш учун ҳар сония беморлар ҳолидан хабар олиш, улардаги ўзгаришларни синчиклаб кузатиш, муолажаларни вақтида ўтказиш тақозо этилади. Қайсидир шифо масканларида нисбатан бемалол ишлаш мумкиндир. Бироқ, кардиология бўлими ходими бироз бўлса-да эътиборсизлик, ўзибўларчиликка йўл қўйиши сира мумкин эмас.

Лавҳа

У шифохонага етиб келгач, жонлантириш (реанимация) бўлимидан кечагина палатага ўтказилган икки беморнинг аҳволи билан қизиқди. Дори-дармонларни кўздан кечирди. Хоналарни бир-бир айланиб, ундан нажот кутаётган кишиларга тасалли берди.

— Биз — ўзбекларнинг табиати қизиқ-да, - дейди Назира опа. - То касал бўлиб ётиб қолмагунча шифокорга мурожаат қилишмайди. Касални даволашдан кўра унинг олдини олиш яхшилигини асло унутмаслик керак. Шу боис, одамлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантираяпмиз.

Шифокорнинг куюнганича бор. Буни бемор Фаёзжон Аширов гаплари ҳам тасдиқлайди.

— 55 ёшимда инфаркт бўлиб, кардиология марказига олиб келиндим, - фикрини ифодалайди суҳбатдошимиз. - Бу ерда йигирма кундан ортиқ даволашди. Оқ халатли жонкуярлар кеча-ю кундуз тепамда парвона бўлишди. Кўриб турганингиздек, ҳозир соғлиғим жойида. Аввало худо, қолаверса, Назира Обиджонова каби тажрибали, билимдон шифокорлар мени ҳаётга қайтаришди.

Пойтахтимиздаги кардиология маркази энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Юрак хасталиги бўйича энг оғир касаллар ҳам шу ерда даво топишяпти. Таъкидлашларича, бу касаллик билан кўпроқ эркаклар мурожаат қилишади. Масалан, январ ойининг ўзида кардиология бўлими 74 та беморни қабул қилди. Шундан 62 нафари саломатлигини тўла тиклади.

— Одамлар дардига дармон бўлиш учун аввало фидойилик талаб этилади, - тушунтиришда давом этади Назира опа. - Баъзида ярим кечагача қолишга тўғри келади. Энг кераклиси, ҳаётимиз, кайфиятимиз қандай бўлишидан қатъий назар, чеҳрамизда мамнунлик аломати сезилиб туриши керак. Ахир, бу ерда юрак касаллигига учраган кишилар даволанишади. Бир оғиз сўз кўп нарсани ҳал қилиши мумкин.

— Оилангиз ҳақида икки оғиз суҳбатлашсак.

— Умрдошим Ғайниддин Обиджонов қурувчи. Ўғлим иқтисодчи-бухгалтер. Ширингина неварам бор. Хуллас, меҳнатдан бахтини топган ўзбек аёлларидан бириман.

— Аёл киши учун уйига кеч боришлар, баъзида вақт билан ҳисоблашмай ишлашга тўғри келиши...

— Фикрингизни тушундим. Бахтим шуки, оила аъзоларим мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлашади. Бир қарашдаёқ кайфиятимни сезишади. Устозим профессор Рауф Абдуллаевдан ҳам ғоят миннатдорман. Тўғриси, касбни севишни шу инсондан ўргангандим. Дардига шифо топиб, қадрдон оиласига қайтаётган очиқ чеҳрали беморни кўриш, унинг бир оғиз раҳматини эшитиш мен учун катта бахт!

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

Кўрик-танлов

ҒОЛИБГА — 2 МИЛЛИОН СЎМ

Уч йилдирки, вилоят ҳокимияти ташаббуси билан «Андижонни гуллар воҳасига айлантирайлик» шиори остида кўрик-танлов ўтказиб келинмоқда. Анъанага айланиб бораётган тадбирдан мақсад Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш, жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада яхшилаш, миллий қадриятлар, урф-одатларни, удумларни бойитиш ҳамда санъат, маданият ва маънавият ишларини бугунги кун даражасида такомиллаштириб боришдан иборатдир.

Кўрикни ташкил этиш ва халқ ҳашарларини уюштиришда касаба уюшма ташкилотлари ва фаоллари жонбозлик кўрсатишмоқда, ҳовли-жойларни озода тутиш ва гуллар билан безашда меҳнат жамоаларига бош-қош бўлишмоқда.

Куни кеча кўрик-танловнинг 2000 йилги босқичи якунлари эълон қилинди. Асака тумани жамоатчилиги фахрли биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Андижон шаҳри ва Жалолқудуқ тумани иккинчи, Асака шаҳри ва Булоқбоши тумани учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Ғолибга вилоят заҳира жамғармаси ҳисобидан икки миллион сўм тақдим этилди. Иккинчи ўрин соҳибларига бир миллион сўмдан, учинчи ўринни олганларга икки юз минг сўмдан маблағ берилди.

М.АБДУКАРИМОВ.

ҚАТТИҚҚЎЛ УСТОЗ

Бир киши ўғлини қассобнинг дўконига бошлаб келиб дебди:

— Қассоб ака, ўғлимни шогирдликка олинг, эти сизники, суяги бизники.

Дўкондан гўшт олаётган Афанди кулиб:

— Ўғлингизнинг суягини олиб бўпсиз, бу қассоб чиқинди чиқармайди! — дебди.

* * *

ЙЎТАЛ ДОРИСИ

Бир одам қаттиқ йўталга гирифтор бўлиб, Афандидан дори сўради.

— Сурги ич, — деди Афанди.

— Йўталга сургининг нима дахли бор?

— Дахли бор, — деди Афанди, — йўталишга қўрқасан...

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК



Узр, лифтимиз ишламай қолибди.

Рассом: А.ҲАКИМОВ.

БОШҚОТИРМА



БЎЙИГА: 1.Хонаки парранда. 2.Машаққат. 3.Сувоқчилик асбоби. 4.Икки томони тиғли пичоқ. 5.Япроқ. 6.Ўзбек қизлари исмига ўхшаш Малави давлатидаги шаҳар номи. 9.«Сетора» гуруҳидаги қизлардан бири. 14.Вьетнам пул бирлиги. 16.Оркестр жўрлигида бир киши айтадиган вокал асар. 18.Мучал ҳисобида олтинчи йил. 22.Кўйлак қисми. 23.Дастлабки. 25.Она қушиғи. 26.Кемирувчи, зараркунанда ҳайвон. 27.Орзу, истак. 28.Дурадгорлик асбоби. 29.«Фарзанд ..., одоби ундан ...» (мақол). 30.Илож. 31.Ўзбек бадиий фильми. 32.«Калта»нинг акси. 33.Машҳур Эрон эстрада хонандаси. 37.Немис физик олими. 39.Сабзавот ўсимлиги. 41.«... ақли — олмос» (мақол). 44.Туркий тилда сўзлашувчи Олтой ўлкасидаги халқ. 45.Эшик, дераза кабиларнинг бурчаги, қирраси. 46.Сас, садо. 47.Фарғона вилоятидаги туман. 48.Дунай дарёси ирмоғи. 53.Туркиядаги йирик порт шаҳар. 54.Қуёш ботиши билан тун бошланиши ўртасидаги пайт. 55.Спектакл, концерт ҳақидаги олдиндан тарқатилган эълон. 56.Соқол-мўйлови йўқ одам. 57.Кўзгу. 60.Ток меваси. 61.Франциядa ишлаб чиқарилган автомобил русуми. 63.Хушбўй модда, мушк. 65.Қўрқмас, довюрак. 67.Шарм-ҳаё. 68.Қурбақалар оиласига мансуб думсиз амфибия.

ЭНИГА: 7.Идрок этиш, тушуниш қобилияти. 8.Секин, шошмасдан. 10.Бурж. 11.Савдо шохобчаси. 12.Аёллар бош кийими. 13.Узоқ ўтмишдан қолган ёдгорлик. 14.«Ёшлар» телеканалидаги информацион дастур. 15.Эфиопиядаги кўл. 17.Чолғу асбоби. 19.«Ит ҳуради, ... ўтади» (мақол). 20.Изн, рухсат. 21.Гуманитар фанлардан бири. 24.Бўйинбоғ. 29.«Тарки одат — ... маҳол» (мақол). 31.Ўзбек эстрада хонандаси. 34.Осмонга кўтарилиш, учиш. 35.«Ўтган кунлар» асари қаҳрамони. 36.Актёр аёл. 38.Помидор ва сабзавотлардан кўп солиб, димлаб пиширилган таом. 40.Расмий ёзма илтимос ёки шикоят. 42.Галла. 43.Гўл, лақма. 49.Германиянинг Изар дарёси бўйидаги шаҳри. 50.Канада пойтахти. 51.Нон ясаш учун ғамалоқланган хамир. 52.Ҳиндистоннинг шарқий қисмидаги шаҳар. 56.Поясидан тола олинадиган ўсимлик. 58.Ўтакетган хасис, қизғанчиқ. 59.Мусиқа асбоби. 62.Шакли бир хил, лекин маънолари ҳар хил бўлган сўзлар. 64.Қўқон хони, шоир Умархон тахаллуси. 66.Яшнаган боғ, гулзор. 67.Матонат ва қатъият. 69.От абзали. 70.Франциядаги дарё. 71.Химиявий элементнинг ядро ва электронлардан иборат энг кичик заррачаси. 72.Ёввойи сайроқи қуш. 73.Куч-қувватга тўла, соғлом.

Тузувчи: Акрамжон ХЎЖАМОВ,
ТДЮИ талабаси.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 27-СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

БЎЙИГА: 1.Суматра. 3.Бола. 4.Талаба. 5.Тирноқ. 6.Лима. 7.Ҳалокат. 9.Тақдир. 11.Эгар. 12.Капаки. 13.Қандил. 14.Илон. 21.Синоним. 22.Антенна. 23.Зилзила. 25.Редиска. 26.Алиса. 28.Майиз. 30.Иззат. 32.Итоат. 33.Асо. 34.Онт. 40.Абакан. 42.Рубоий. 44.Учқудуқ. 46.Кетмон. 48.Таржима. 49.Қари. 50.Аланга. 51.Тўнғич. 52.Тахт. 55.Ўсма. 57.Агра.

ЭНИГА: 2.Наботот. 5.Тинчлик. 8.Узр. 10.Упа. 11.Эллик. 13.Қумри. 15.Арқон. 16.Тиба. 17.Орск. 18.Реклама. 19.Қадрдон. 20.«Аср». 22.Арз. 24.Орт. 26.Аёз. 27.Имон. 29.Идил. 31.Эри. 35.Шоли. 36.Осий. 37.Занг. 38.Оқин. 39.Ана. 40.Азон. 41.Литр. 43.Бет. 44.Умр. 45.Ака. 47.Хат. 49.Қурбақа. 51.Табобат. 53.Қўра. 54.Агар. 56.Армон. 58.Инсон. 59.Йигит. 60.Урф. 61.Ғам. 62.Олабуға. 63.Чучвара.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6